



Азиз НЕСИН

Ҳикоя

КЕЙИН ХУРСАНД БЎЛАСИЗ

Бир-бирини таниганига уч кун бўлмасданоқ турмуш қуришга ваъдалашиб қўйишибди. Бўлғуси келин дурустгина оиланинг қизи бўлиб, ота-онаси жуда нозиктаъб одамлар экан. Шунинг учун ҳам қиз йигитга:

— Уйимизга бориб, чол-кампирдан ҳам розилик олмасанг бўлмайди, — дебди.

Куёв тўрани сўрасангиз, ўзи жуда мўмин-қобил йигит, бир гапни икки қилгиси келмайди, иложи борица бировнинг кўнглини ранжитмасам, дейди. Шунга кўра у:

— Жуда соз, эртагаёқ уйингга бориб, отангдан тўйга рухсат оламан, — деб қизни хотиржам қилибди.

Қиз воқеани онасига айтибди. Онаси ҳам бор гапни оқизмай-томизмай эрига етказибди. Хуллас, иккови эртасигаёқ куёв билан уни ичкари олишибди. Ҳаммалари биргаликда қаҳва ичишибди, аллавақтгача уёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришибди. Ана гапиради, мана гапиради, деб чол-кампир роса кутибди, лекин йигит сира тўйдан оғиз очмасмиш. Бунинг устига кетишни ҳам ўйламасмиш. Кеч кириб, қоронғи тушибди. Кечки овқатни ҳам баҳам кўришибди. Кетидан яна қаҳва ичишибди. Бўлғуси куёв ҳамон чурқ этмасмиш. Оғиз пойлаш билан вақт алламаҳал бўлибди, ярим кечада меҳмонни ҳайдаб бўлармиди? Ноилож унга жой солиб:

— Нариги хонага ўта қолинг, марҳамат ўрнингиз тайёр, — дейишибди.

Бир вақт ота бундоқ қараса, йигит қизнинг билегидан ушлаб, ўша хонага тортқилаётганмиш. Чолнинг ғазаби қайнаб:

— Ўғлим, бу нима қилиқ? — дебди.

Йигит эса пинагини бузмай:

— Гап бор, ота, — деб жавоб қилибди.

— Қанақа гап?

— Гап бор, дедим, бўлди-да, суриштириб нима қиласиз, отахон. Кейин хурсанд бўласиз.

Ҳам гапирармиш, ҳам қизни зўр бериб ичкарига тортармиш. Унинг сирли гапларини эшитиб, чол-кампири индолмай қолибди. Иккови бошлашиб хонага кириб кетишибди.

— Қани, кўрайлик-чи, нима гап бор экан, — деб чол-кампири мижжа қоқмай тонг оттиришибди.

Унинг биринчи катта иши шу бўлган экан. Эҳтимол, айнан шундоқ бўлмагандир, лекин бизга етиб келгани шу.

Хуллас, эртасига эрталаб хонадан яна бошлашиб чиқишибди.

— Қани нима гапинг бор эди, айта қол энди, — дебди йигитга қизнинг отаси кўзини ерга қадаб.

— Бу ёғидан хотиржам бўлинг, отахон, асло ғам еманг. Бир нарсани билмасак, биз гапирмаймиз. Гап бор, дедимми, вассалом қўяверинг, кейин хурсанд бўласиз.

Нонуштадан кейин “энди бизга рухсат” деб кетмоқчи бўлган экан, қиз уввос тортиб тиззасига ёпишибди.

— Тур ўрнингдан, йиғлама бас қил. Кейин айтаман, гап бор, ўзинг хурсанд бўласан, — деганича этагини қутқариб кетибди. Бечоралар нима гап экан, деб роса кутишибди-ю, лекин уни қайта кўриш насиб бўлмабди.

Биз тушган қамокхонага шу одамнинг ўзидан олдин саргузаштлари етиб келди.

Яна бир куни газлама дўконига кирибди-да, токчада ётган бир тўп матони кўрсатиб:

— Манавини бир кўрай, — дебди.

Газламафуруш хўп деб олиб берибди. У бўлса матони қўлтиғига қистириб, секин эшикка қараб юрибди. Молнинг эгаси олдинига ҳанг-манг бўлиб қолибди, кейин унинг машинага ўтираётганини кўргач, югуриб бориб қўлига ёпишибди. Йигит заррача пинагини бузмай:

— Ия биродар, нега қўлимга ёпишасан? Молингни еб қўяманми? Нега оласан эмиш-а, тавба. Керак бўлганидан кейин оламан-да. Ҳа, шундоқ. Кўп ховлиқма, сабр қил. Гап бор, — дебди. Унинг босиқ, қатъий гапларини эшитган дўкондор нима қилишини билмай қолади, хуллас, у ё молидан ажраб орқага қайтади, ёки “нима гап бўлдийкин?” деганича каловланиб туради. Аммо у айтган гапнинг нималигини ҳали ҳеч ким билмайди, чунки бир марта қўлга туширган одамига у иккинчи қайта йўлиқмайди.

Бу йигитнинг оғиздан оғизга кўчиб юрадиган ҳунарлари кўп, лекин ҳаммасининг йўли ва усули бир хил.

Бир куни трамвайда кондукторни роса боплаб кетганини айтиб беришди. Тоза мириқиб кулдик. Воқеа бундай бўлган экан.

Бир пайт у трамвайга чиқибди-да, тўғри кондукторнинг олдига бориб:

— Қани бўйнингдаги халтани менга узат! — дебди.

Кондуктор ҳайрон бўлиб:

— Нега энди? — деб сўрабди.

— Оббо сен-эй, бер дегандан кейин беравермайсанми.

— Хўш, нега берар эканман?

— Тагин сўрайди-я. Битта айтдим, бўлди-да. Сен менга беравергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

Кондуктор ҳайрон бўлганича бўйнидаги халтани ечиб берибди. У ҳам пул тўла халтани олиб, шошилмай трамвайдан тушибди, кейин битта-битта қадам ташлаб кетаверибди. Буни қарангки, на югурармиш, на бир ёққа қочармиш. Ҳамманинг оғзи очилиб қолибди.

Ана шу одам охири қамоққа тушди. Чуваккина бир кимса экан. Ўзи ўттиз бешларда бўлса ҳам кўрган одам йигирма бешларга борган, дейди. Кўзлари нақ игна тешигидек, ўзи муғомбир. Унчалик гапдон эмас. Умумий камерада икки кунгача овози чикмай юрди.

Келганининг учинчи куни ҳунарини кўрсатди.

Маҳбуслардан бирини кўзининг остига олиб юрган экан, тўғри олдига бориб:

— Қани, менга эллик лира узатвор-чи, — дебди.

— Нега бераман?

— Чўзавер, ишинг бўлмасин.

— Негалигини билсак бўладими?

— Тавба, негалиги билан нима ишинг бор. Бер дегандан кейин беравермайсанми, ошна. Қани, узатавергин, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

У ҳам “нима гап бор экан?” деб қизиқиб қолиб, эллик лирани қўлига санаб берибди.

Бу воқеадан ўша куниёқ ҳамма хабардор бўлди. Мухбуслар ҳам, соқчилар билан қамоқхона бошлиғи ҳам буни эшитиб роса кулишди.

Қамалганига ҳали бир ҳафта бўлмаган эди, тўсатдан ғойиб бўлди. Қамоқдан қандай қочганини биз кейин эшитдик. Маълум бўлишича, кечга яқин навбатда турган соқчининг олдига бориб:

— Қани, эшикни оч, — дебди.

Гапни дўндириб гапирганга нима етсин. Агар бошқа одам келиб шунақа деса борми, соқчи тумшуғига айлантириб бир туширган бўларди. Лекин бунинг вазоҳатини кўриб:

— Очсам нима бўлади? — деб сўрабди.

— Очгин, кейин кўрасан. Гап бор.

Соқчи камера эшигини очибди.

— Мана энди бу ёққа юр!

Соқчи унинг кетидан ташқари ҳовлига чиқибди.

— Энди бу дарвозани оч!

— Нимага?

— Айтган ишни қилавер, сўраб нима қиласан. Очавер, гап бор, кейин хурсанд бўласан.

Соқчи дарвозани ҳам очиб берибди. У нима гап борлигини сабрсизлик билан кутаётган соқчига қўлини силкиб ҳай-ю ҳайт деб жўнаб қолибди.

Туркчадан Миад ҲАКИМОВ

таржимаси